



Республика  
болалар ижтимоий  
мослашуви маркази  
Самарқанд  
минтақавий  
филиали

**«Ҳимояга муҳтож гуруҳдаги  
болалар ва уларнинг оилаларига  
мажмуавий ёрдамнинг самарали  
моделли – уларнинг жамиятга  
ижтимоийлашувини таъминлаш  
омили сифатида»**

Тошкент – 2020

болалар машғулотнинг тезроқ тугадини орзу қилиб ўтирадилар. Ҳиссий кечинмаларсиз, тарбиячи билан болалар ўртасидаги дўстона муносабатларсиз, қизиқишсиз таълимда яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Янги ўқув материали нафақат тушунарли бўлганида, балки у чуқур ҳис қилган тақдирдагина бола тўлақонли, мустақил билим олди, дейиш мумкин. Моҳирона берилган янги билимлар болалар қалбида қувончли ҳаяжон ҳисларини уйғотиши лозим.

Бизнинг мактабгача таълим муассасаларидаги кузатишларимиз шуни кўрсатадики, болалар учун атроф-муҳитдаги мавҳум тушунчалар, масалан, йил, ой нима эканлиги ҳақидаги топишмоқларни топиш қийинлик қилади. Энг мураккаби кинояли топишмоқлар ҳисобланади. Улар топишмоқнинг асл моҳиятини тушунмаганлиги сабабли нотўғри жавоб берадилар. Топишмоқнинг фақат ташқи, яққол жиҳатини идрок қиладилар, кўчма маъноларини кўра билмайдилар, бадиий образни ҳис қилмайдилар, қочиришларни тушунмайдилар.

Топишмоқлар айтиш, эшитиш ҳамisha мактабгача таълим ёшидаги кичкинтойларнинг эзгу ниётлари билан ҳамоҳанг бўлган. Ҳар бир топилиши керак бўлган жумбоқ – бу давр болаларини ҳам ўйлашга, фикр юритишга, ўзларига хос йўсинда изланишга, сезгир, жиддий, топқир бўлишга нисбатан майлларини уйғотган. Чунки кўп предметли топишмоқлар боғча болалари учун янада қизиқарли бўлган. Бу ҳолни бутун мамлакатимиз бўйлаб болаларига, набираларига, қўшни болакайларга алла-қўшиқ, эртақ, мақол, топишмоқ айтиб бериб юрган ота-оналар, буви-боболар, маҳалла эртақчилари ҳузурда бўлганимизда аниқ сездик. Бу иш ўз-ўзидан ёки бирданига кўнгилдагидек чиқмайди. Тинимсиз изланиш, болакайларни қизиқтириш, уларни топқирликда бир-бирларига ўрнак, ибрат қилиб кўрсатиш туфайли эришилади. Болаларнинг боғланишли нутқини ўстиришни муваффақиятли ўзлаштириб олишлари нафақат объектив, балки субъектив шарт – шароитларга ҳам боғлиқдир.

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳиссийёт омили фикрлаш жараёнига тааллуқлидир. У ахборотни ишлаб чиқиш жараёнларини назорат қилиш ва тартибга солиш учун зарур. Инсоннинг фикрлаши алоҳида мотив ва эҳтиёжларга эга.

Товушлардаги камчиликларни бартараф этишда биз, асосан, анъанавий бўлган тез айтиш, топишмоқ ва шеърлардан фойдаланиб келамиз. Шубҳасиз, улар болаларга хушқайфият ва тетиклик бағишлайди. Бундан ташқари, болаларга берилган логопедик топшириқларни осон ва эркин бажаришлари учун қулай шароит яратиш беради. Логопедик машғулотлар ва ўйинларда тез айтиш, топишмоқ ва шеърлардан кенг фойдаланиш натижасида болаларнинг нутқи ўсади, равон бўлади, оҳанг тўғри шаклланади. Миллий адабиётимиз намуналари бўлмиш санама, чорлашма, қиқиллама, айтишув, чеклашмачоқ, айтишма ўйин ва яраштиргич каби халқ оғзаки ижоди, нафақат боланинг нутқини ўстиришда, балки уларни миллий урф-одатларимиз, гўзал анъаналаримиз асосида тарбиялаш, миллий қадриятларимизни ҳурмат қилиш ва ватанпарварлик ҳиссини уйғотишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

### Адабиётлар

1. Жумабоев М. Топишмоқларнинг илмий-таълимий аҳамияти. – Т., 2000.

## БОЛАЛАРНИНГ МАКТАБГА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

- **Х.Музаффарова,**  
ЖДПИ, Дефектология кафедраси ўқитувчиси,
- **Ж.Ҳақбердиев,**  
Дефектология йўналиши магистранти

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мактабга психологик тайёргарлик доимий ҳисобланмайди, балки у доимо ўзгариб, бойиб боради. Психологик тайёрликнинг таркибий жиҳатлари: интеллектуал (ақлий), маънавий ва иродавий тайёргарликдан иборатдир. Аксарият ҳолларда боланинг ақлий ри-

вожланганлик даражаси ҳақида гапирилганда унинг сўз бойлиги захираси билан аниқланадиган ақлий билимлари микдорига кўпроқ эътибор берилади. Ота-она, ҳатто айрим ўқитувчилар бола қанчалик кўп билса, у шунчалик ривожланган бўлади, деб ўйлайдилар. Аслида эса ундай эмас.

Мактабда амал қилинаётган ўқув дастурларини ўзлаштириш боладан нарсаларни таққослай билиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, мустақил хулосалар чиқариш каби билиш жараёнларининг етарлича ривожланган бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда мактаб амалиётчи психологлари томонидан болаларни биринчи синфга қабул қилиш жараёнида кенг фойдаланилаётган психодиагностик воситалар, тестлар, сўровномалар, асосан болада юқорида келтириб ўтилган хусусиятнинг ривожланганлик даражасини аниқлашга мўлжалланган методикалардан иборатдир.

5-7 ёш боланинг мактабга интеллектуал (ақлий) тайёрлигининг яна муҳим кўрсаткичларидан бири бу улардаги образли тафаккурнинг олий даражада ривожланганлигидир. Буларга таянган ҳолда бола атроф-муҳитдаги нарсалар ўртасидаги энг муҳим хусусиятларни, муносабатларни фарқлай олиш имкониятига эга бўлади. Бу ўринда болалар чизмалар тасвирларни шунчаки тушунибгина қолмай, балки улардан муваффақиятли фойдалана оладиган бўладилар. Бироқ уларнинг тафаккури умумлаштириш хислатларига эга бўла борсада, предметлар ва уларнинг (тафаккури) ўрнини босувчилар билан аниқ хатти-ҳаракати образлилигича қолаверади. Шу сабабли таълим жараёнларида уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, уларга нисбатан алҳида-алоҳида муомалаларини амалга ошириш керак [2].

Мактабгача ёш давридаёқ бола кичик мактаб ёш даврида етакчи фаолият тури бўладиган – ўқув фаолиятига тайёрланган бўлиши лозим. Бунда болада маълум бир тегишли масалаларнинг шаклланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай малакаларнинг асосий хусусиятларидан бири боланинг ўқув топшириғини ажратиб олиши ва фаолиятни мустақил мақсадга айлантира олишидир. Бундай жараёнлар биринчи синф ўқувчиларидан топшириқда ўзи белгилаган ўзгариш, янгилик аломатларини қидириб топа билиш ва улардан ҳайратланишни, қизиқишни талаб қиладди. Бундай топшириқлар амалий ишларга айлантирилса ёки ўйин тарзида бажарилса, осонроқ кечади ва бола ўзлаштиради. Бола ақлий меҳнат кўникмасига эга бўлмаса унинг ўқишдан кўнгли совийди, унда умидсизлик ҳисси вужудга келади. Ўқитувчи эса бундай ҳолнинг олдини олиш учун болага таълимнинг ўйиндан фарқи, қизиқарлилиги ҳақида маълумотлар бериши ва уни шу фаолиятга тайёрлаши керак [1].

Агар бола зарур малака ва кўникмалар захирасига эга бўлса, унда интеллектуал ривожланганлик даражаси ҳам юқори бўлса-ю ўқувчиларнинг ижтимоий ҳолатига шахсан тайёр бўлмаса, мактабда ўқиб кетиши қийин кечади. Агар ўқитувчи ёки ота-она уни ўқишга қизиқтира олмаса, ўқув вазифаларини зўрма-зўраки, сифатсиз, қўл учуда бажаради. Бундайларда зарур натижаларга эришиш қийин бўлади. Энг ёмони, бу ёшда мактабга боришни хохламайдиган болалар ҳам учраб туради. 5-7 ёшли боланинг мактабга боришдан бош тортиши асосан уни тарбиялашда ота-оналар томонидан йўл қўйилган хатонинг оқибати ҳисобланади.

Қўрқув билан мактабга борган болаларнинг мактабга бўлган муносабатини ўзгартириш, уларда ўзига нисбатан ишонч уйғотиш учун ҳаддан зиёд куч, вақт, меҳнат, сабр-тоқат, чидам, эътибор зарур бўлади. Биринчи синфда ўқитишда юзага келадиган қийинчиликларнинг сабаби катталарнинг бола билан бўладиган мулоқотлари шакли у ёки бу вазиятга боғлиқ бўлмаган ҳолда, шахсий аҳамиятга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Болалар катталарнинг турли вазиятларда (кўчада, уйда, меҳмонда, ишхонада) ўзларини қандай тутишларини фарқлай оладилар. Катталарнинг бундай хулқни англаш эвазига болалар ҳам катталарга, ўқитувчиларга, шу вазиятга мос равишда муносабатларни намоён қиладди. Агар болада катталарга нисбатан бундай муносабатлар шаклланмаган бўлса, унга мос равишда катталарга нисбатан ҳам тегишли муносабат юзага келмайди, бу эса, албатта, бола билан олиб бориладиган таълим жараёнини мураккаблаштиради.

## Адабиётлар

1. Давлетшин М.Г. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. – Тошкент, 2004, 25-б.
2. Мамедов К.Қ., Соатов М.И., Пўлатова П.М. Олигофренопедагогика асослари. – Тошкент, 1994.